*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари—ҳаётга*

# СИФАТЛИ ТОЛА ТОПШИРМОҚДАЛАР

## ДИҚҚАТ: «НАРПАЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ»

**«Нарпай» совхозининг барча меҳнаткашлари давлатга 7 минг тонна тола топшириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бу хўжалик деҳқонлари пахтани етиштирибгина қолмай, уни ўзлари қайта ишлайдилар.**

**Кўп йиллик иш тажрибаси «Нарпай технологияси»нинг анчагина афзалликлари борлигини ҳам кўрсатмоқда. Пахтани териш ва тайёрлаш бир қўлда бўлиб, давлат билан пировард натижага қараб ҳисоб-китоб қилинади ва маҳсулотнинг сифати учун масъулият анча ошади. Бу ерда пахта тозаловчиларгина эмас, деҳқонлар ҳам тўқимачиларга сифатли тола юборишдан манфаатдордир.**

### ПИРОВАРД НАТИЖА ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

«Нарпай»нинг ўз пахта заводи бор. Умумий тушунчаларга кўра, у кичик, битта батареяли бўлиб, йилига 18 минг тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган. Ундаги машина-ускуналарни янги ҳам деб бўлмайди. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси яхши ишламоқда. Натижада завод лойиҳадаги қувватдан ўзиб, хўжалик деҳқонлари етиштирган бутун пахтани тозалаб бермоқда. Шундай қилиб, 3-4 минг тонна қўшимча пахта олинмоқда. «Нарпай»да етиштирилаётган пахта йилдан йилга кўпайиб бориб, беш йиллик охирида 25 минг тоннага етиши керак. Пахта тозаловчилар бунча пахтани уддалашлари қийин бўлади, шунинг учун заводни реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги шу мақсадлар учун миллион сўмдан кўп пул ажратди. Пресслаш ва қуритиш-тозалаш цехи кенгайтирилади, янги лаборатория ва қўшимча омбор қурилади. Шундай қилиб, корхонанинг технологик занжирига ўнлаб серунум машина-ускуналар қўшилади. Бу — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, маҳсулот сифатини яхшиловчи муҳим резерв бўлиб қолади.

— Хўжаликда ўзининг пахта заводи бўлиши кўп овора қиладиган иш, деган фикр мавжуд, — дейди совхоз директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. Абдуқодиров. — Лекин бизга технологик занжирнинг шу сўнгги бўғини анча наф келтириб, бошқа хўжаликларнинг деҳқонлари дуч келаётган кўпгина проблемалардан бизни халос қилмоқда. Шу йил 2 миллион сўм фойда олишни мўлжаллаб турибмиз. Бу пулнинг ярми пахтага ва уни тозалашга тўғри келади.

### ХЎЖАЛИКДА ЙЎҚ ПРОБЛЕМАЛАР

Бу ерда матбуот «ҳосил етиштирувчилар билан тайёрловчилар ўртасидаги келишмовчиликлар» деб атайдиган асосий проблема йўқ. Деҳқонлар юқори сифатли маҳсулот топширишдан манфаатдор бўлсалар, тайёрловчиларга бунинг акси тўғри келади. Шунинг натижасида келишмовчиликлар вужудга келиб, у кўпинча буйруқ билан ҳал қилинади.

«Нарпай»да эса тайёрловчилар билан деҳқонлар ўртасида келишмовчиликнинг ўзи йўқ, чунки тайёрловчилар билан ҳам, деҳқонлар билан ҳам ҳисоб-китоб пировард натижа — тола сифатига қараб олиб борилади. Масалан, бултур совхоз деҳқонлари 21.399 тонна пахта бердилар. Шу маҳсулотнинг ярмидан кўпи биринчи сортларга қабул қилинди. Пахтадан чиққан тола 31,2 процентни ташкил этди.

«Нарпай технологияси» толанинг тўқима хоссаларини сақловчи, унинг қусурларини камайтирувчи муҳим резерв бўлиб қолди. Бу ерда пахта тўппа-тўғри завод пунктининг ўзига келтирилади. Пахта бу ердан бошқа ҳеч қаёққа ташилмайди. Ҳолбуки, одатдаги схемада пахта тайёрлаш пунктига олиб борилиб, у ерда ғарам қилинади. Кейин заруратга қараб, шу бунтдан заводга ташиб келинади. Чунончи, у бирдан завод цехига ўтмай, завод бунтига ғарамланиб қолиши мумкин. Шу ишларнинг ҳаммасига ишчи керак бўлади, уларга тегишли ҳақ тўланади. Бундан ташқари, пахтани тез-тез ташиш толанинг нуқсонларини кўпайтириб юборади.

Пахта заводи совхозга меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда ёрдам бермоқда. Бундай қарасак, куз ва қиш фасли пахта заводида иш айни қизиган давр, ёзда эса тинчроқ бўлади. Қишлоқ хўжалигида эса аксинча: ёзда ва терим мавсумида иш айни қизиган бўлади. Ёмғир қуйиб берса, далалар тинчиб қолади, лекин қуритиш цехларидаги ишлар ғоятда кўпайиб кетади. Одатда шундай ҳолларда пахта тозаловчилар деҳқонлардан ёрдам сўрайдилар. «Нарпай»да эса совхознинг ҳар бир бўлими бутун тайёрлаш мавсумида ишлаш учун битта хирмончи ишчини ажратади ва у ўртоқлари етиштирган бутун пахтани сортма-сорт хирмон қилиб қўяди. Пахта заводига кўпроқ биринчи сорт пахта келтирган кишиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш имконияти шу тахлитда вужудга келтирилади.

### ДЕҲҚОНЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ

Шу кунларда деҳқонларнинг бутун ишлари хўжалик далаларида етиштириладиган «оқ олтин»нинг юқори сифатли бўлишига қаратилгандир. Мўл ҳосил учун кураш бирон минут ҳам тинмаяпти.

— Тўқимачилик хом ашёси сифатли бўлиши учун, биз, деҳқонлар зиммасига катта масъулият юклатилган, — дейди Меҳнат Қизил Байроқ орденли бригадир Т. Абдураҳмонова. — Далага қайси навни қайси агротехник муддатларда экиш кераклигини эрта кўкламда ҳал қиламиз. Ҳар бир гектарнинг ҳосили эса ғўза парвариши сифатига боғлиқ бўлади.

Бу йил деҳқонлар учун қийин келди: апрелда ҳарорат паст бўлганлигидан ғўза ўсолмай қолди. Нарпайликлар олдида ғўза ўсиш суръатларини жадаллаштириш вазифаси турарди. Агротехника қоидаларига риоя қилибгина қолмай, тез вақт ичида зарур тузатишлар киритиш, одамлар ва машина-механизмни моҳирлик билан ишлатиш керак эди.

Совхозда ҳар бир суғоришдан сўнг ғўзаларни қўшимча озиқлантиришга қарор қилинди. Ҳар бир чопиқ вақтида ерга ўғит ҳам солиб кетилди.

Шундай қилиб, ғўза тез ривожланди, хўжаликда етилаётган ҳосил чакки эмас. Бу йил нарпайликлар 7 минг тонна тола берамиз, деб мажбурият олдилар. Бу — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига деҳқонларнинг меҳнат совғаси бўлади.

**Э. ШАЛЬ,**
**ЎзТАГ мухбири.**
«Нарпай» совхози,
Навоий области.

## ЯНГИЛИКЛАР

**● ИНДУСТРИАЛ ЧИРЧИҚДАГИ 24-МАКТАБНИНГ ҲАММАСИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИЛДИ**

**700 та ўқув кабинети ремонтдан чиқарилди ва 50 та янги кабинет ташкил қилинди.**

**Мактабларни оталиққа олган коллективлар, айниқса, «Ўзбекхиммаш» заводининг, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг, трансформатор заводининг коллективлари мактабларни тайёрлашда катта ёрдам бердилар.**

**● ҚЎРИҚ ЕРДАГИ ПОСЕЛКА КЎРКАМЛАШИБ БОРМОҚДА**

**Меҳнатобод районидаги Охунбобоев номли қўриқ совхозда уй-жойлар қуриш тугалланди. Эндиликда хўжалик посёлкасида 23 минг квадрат метр уй-жой бор. Бу — бош қурилиш планида кўзда тутилган уй-жой майдонига тенгдир. Совхозда клуб, иккита болалар комбинати, мактаб ва бошқа объектлар ҳам фойдаланишга топширилди.**



**Элликқалъа районидаги Орж оникидзе номли совхоз пахтакорлари ғўза парваришини кун сайин кучайтириб, культивация ва суғоришга катта эътибор беришмоқда. Совхознинг К. Бобожонов етакчилигидаги бригада аъзолари юбилей йилида ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашмоқдалар. Суратда: бригаданинг илғор пахтакори С. Аҳмедова.**

**Э. Қозоқов фотоси.**

МИРИШКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# ЖЎЯКЛАРДА ЖИЛДИРАЙДИ СУВ

Сокин ва беғубор тонг палласида Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Шавкат Аширов бошлиқ бўлим дала шийпонига етиб келдик. Бўлим бошқарувчиси билан ўрта бўйли, юзлари саратон офтобида қорайган бир киши суҳбат қуриб ўтирарди.

Мен бу кишини яхши биламан. Исми Саме, фамилияси Фаттоев. Анча йиллардан бери сувчилик қилади. Содда, тиниб-тинчимас, заҳматкаш деҳқон. Қизиқ табиати бор. Баъзида ишларини шогирдига топширади-да, ўзи мусобақадош бригада пахтазорларини бирров айланиб келиш учун чиқиб кетади. Ўзининг гапи бўйича «разведка» қилади. Йўл-йўлакай ҳамкасбларидан йўл-йўриқларини, маслаҳатларини аямайди. Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб қайтади.

— Биз ҳам пахта етиштиряпмиз деб юрган эканмиз, — дейди у кўпинча мусобақадошлари ҳузуридан қайтгач. — Улар биздан ўзиб кетишибди. Ана гулу, ана кўсак, Ҳали ҳам вақт бор, тезроқ ҳаракатимизни қилмасак бўлмайди. Эртаиндин хирмон кўтарилганда доғда қолмайлик.

Саме ака шундай дея енгларини шимаради-да, пайкалга отланади. У эгатларга таралган сувнинг оқишини кузатади, қоғозларини янгилайди. Худди заргардек сувнинг ўлчови, оқиш меъёри, қанча вақтда оёқлаши диққат-эътиборида бўлади. Унинг назарида ғўзалар бамисоли тирик жон, нафас олади, очқайди, баъзан эса касал ҳам бўлади. Лекин дардини ҳар кимга ҳам айтавермайди. Ғўзанинг тилини эса Саме акага ўхшаган бободеҳқонлар яхши билишади.

Миришкор сувчи Саме Фаттоев 30 йилдирки, ўз касбини шарафлаб келяпти. У бу йиллар мобайнида ҳосилдорликни оширишга ҳар тарафлама муносиб ҳисса қўшяпти. Миришкор сувчи обиҳаёт тараган пайкалларда доимо пахтадан мўл ҳосил етиштирилади. Шу туфайли совхозда ҳамма Саме акани исми ёнига сувчи сўзини қўшиб айтади.

— Ғўзамиз яхши — биз яхши, — дейди у кулиб. — Ҳозир беш марта культивация ўтказиб, уч марта обиҳаётга қондирдик. Натижада гуллар кўсакка айланиб, тобора бўлиқ бўляпти. Эртаиндин тўртинчи сув таражни бошлаймиз.

Энди «шарбат»га зўр берамиз. Бу гулларнинг эрта кўсаклашига имконият яратиш билан бирга, кўсакларнинг тўқ ва салмоқдор бўлишини таъминлайди. Сув ҳам исроф бўлмайди,— дейди миришкор сувчи.

— Саме Фаттоев пахта илмини «сув қилиб» ичиб юборган деҳқон. Энг муҳими, у хирмоннинг бут бўлиши сувчининг маҳоратига боғлиқ эканлигини яхши ҳис этади. Ана шундай пахтапарварлар, фидойилар туфайли на фақат планимизни, балки зиммамиздаги мажбуриятимизни ҳам мудом ошириб адо этиб келяпмиз, — дейди бўлим бошқарувчиси, тажрибали деҳқон Ш. Ашуров.

Дарҳақиқат шундай. Ўтган йили бўлимда ҳар гектар ердан 52 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Бу йил улар бу кўрсаткични 55 центнерга етказиш иштиёқида мардона меҳнат қиляпти. Ғўзанинг серҳосил бўлишига Саме Фаттоевнинг ҳамкасблари Теша Тошев, Қобил Мирзаев, Амин Ярашев, Тош Жўраевлар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли экинлар оби-тобида суғорилмоқда.

Биз Ленин ордени нишондори Мукаррама Фузайлова, Тошпўлат Эргашевлар етакчилик қилаётган бўлимларда ҳам бўлдик. Пахтазорларда Саме Фаттоевнинг шогирдларини учратиб, улар билан суҳбатлашдик. Ҳамма ерда ғўза парвариши шу куннинг юксак талаблари асосида олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда хўжаликнинг 13 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун ҳамма бир жон бир тан бўлиб, жон куйдириб меҳнат қилмоқда.

**А. ФОЗИЛОВ,**
**Бухоро области.**

## ЖИЗЗАХДА ТРОЛЛЕЙБУС

**◆ Жиззахдаги Ульянов проспектида дастлабки бир неча метр троллейбус трассаси тортилди.**

Қулай ва тежамли транспорт маршрути Катта Ўзбекистон трактидаги автовокзални область марказининг эски шаҳар қисми билан боғлайди, аҳолиси зич бўлган янги микрорайонлар орқали ўтади. Биринчи троллейбус келгуси йилдаёқ қатнай бошлайди.

**(ЎзТАГ).**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СССР—МЕКСИКА: ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

## ЁРҚИН НАМУНА

Бугун СССР билан Мексика ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигига 60 йил тўлди. 1924 йилнинг 4 августида ўрнатилган бу муносабатлар иккала мамлакат ўртасида улардан ҳар бирининг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қилишга, дўстона алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиб келди.

Мексика — Лотин Америкасидаги энг йирик давлатлардан бири бўлиб, 75 миллион аҳолиси бор. Тарихий ва маданий ёдгорликларга бой, табиатан кўркам бу ўлкада 1917 йилда антиимпериалистик революция ғалаба қозонди. Феодалларга зарба берган бу инқилоб мамлакатда авж олиб кетган деҳқонлар ҳаракатининг мантиқий давоми бўлди. Россияда юз берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси Мексикада ишчилар ва деҳқонлар ҳаракатининг янада кучайишига олиб келган эди.

Мексика меҳнаткашларининг Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи билан бирдамлик йўлидаги ҳаракатлари мамлакатдаги барча демократик табақаларнинг Советлар диёрига хайрихоҳлигининг ёрқин далили бўлди. Кейинги йилларда СССР билан Мексика ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик янги босқичга кирди. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ кенгайди. Фан ва маданият арбоблари ўртасида алоқалар кучайди. Ҳар икки мамлакат жамоатчилигининг дўстона алоқалари анча мустаҳкамланди. Давлатлараро муносабатлар, айниқса, янги даражага кўтарилди. Давлат арбоблари ҳамда парламент делегацияларининг бир-бирларининг юртларига бориб-келиб туришлари халқларимизнинг бир-бирларини яхшироқ тушунишига ёрдам бермоқда. Ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстона алоқалар ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда ўзаро битим ва шартномалар катта роль ўйнаётир. 1975 йилнинг августида Москвада имзоланган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Мексика ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги битим ана шундай шартномалардан биридир.

Сўнгги йилларда СССР билан Мексика ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб, фавқулодда муҳим аҳамият касб этмоқда, ҳозирги халқаро муносабатларда таъсирчан омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу Америка империализмига қарши, Ер юзида тинчликни таъминлаш учун кураш ҳар иккала мамлакат позициясининг муштараклигида ўз ифодасини топмоқда. Совет — Мексика муносабатларининг ривожланиш тажрибаси — турли социал-иқтисодий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати ҳаётийлигининг ёрқин намунасидир.

Бугун дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 60 йиллигини нишонлаётган Совет Иттифоқи ва Мексика халқлари АҚШ империалистик доираларининг босқинчилик сиёсатига қарши курашмоқдалар. Улар революцион Никарагуа, социалистик Куба билан бирдам эканликларини билдирмоқдалар, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқдалар.

**Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.**

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**✦ КОБУЛ.** **Бир қанча қабилалар йўлбошчилари ва оқсоқолларининг Афғонистон Вардак вилоятида бўлиб ўтган муътабар жирғаси (мажлиси)нинг резолюциясида империализм кучларининг АДР ишларига аралашувига қарши, ёлланган аксилинқилобчи сотқинларга қарши курашни муқаддас бурчимиз, деб ҳисоблаймиз, дейилади. Жирға қатнашчилари Афғонистон Халқ Демократик партияси ва АДР революцион ҳукуматининг сиёсатини тўла тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар, босмачиларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш учун мудофаа отрядлари ва ҳавфсизлик постлари тузишда ғоятда актив қатнашишга тайёр эканликларини билдирдилар.**

**✦ ҚОҲИРА.** **Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан Наг Ҳаммадийда қурилган алюминий комбинати Миср оғир индустриясининг чиндан ҳам етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. «Ижипшн газетт»нинг хабар беришича, шу йил бу улкан саноат корхонаси 170 минг тонна алюминий тайёрлаб чиқаради. Бу ўтган йили ишлаб чиқарилганидан 27 процент кўпдир. Наг Ҳаммадийдаги комплекс Мисрнинг алюминийга бўлган эҳтиёжларини батамом қондирибгина қолмай, тайёрланаётган маҳсулотнинг анча қисмини экспорт қилишга ҳам имкон берди. Бу йил 110 минг тонна металл экспорт қилинади.**

**✦ АММОН.** **Иордания — Совет дўстлиги жамияти биносида совет олий ўқув юртларини битириб чиққан иорданияликларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Ҳозир бўлганлар орасида мамлакатнинг олимлари, жамоат ва давлат арбоблари бор эди.**

**✦ ПАРИЖ.** **Камситиш ва ҳуқуқсизлик — Исроил жамиятининг доимий йўлдошларидир. Муттасил жабр-ситамларга дучор этилаётган туб араб аҳолиси айниқса оғир аҳволда. Шимолий Африкадаги араб мамлакатларидан, асосан Тунис ва Марокашдан келган яҳудийлар ҳам ҳуқуқсиз. Бундай кишилар Исроил яҳудий аҳолисининг 55 процентини ташкил этсада, Тель-Авивдаги сионист мансабдорлар уларга майда миллат сифатида қарайди, деб ёзади «Юманите» газетаси.**

**(ТАСС).**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### ВЕНА: БМТ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

**БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ проблемасини бартараф этишга оид таклифлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ижобий баҳоланганлигини айтди.**

Мазкур таклифлардан келиб чиқиб, мен барча манфаатдор томонларга, шунингдек Хавфсизлик Комитетига аъзо бўлган давлатларга тегишли мактублар йўлладим, деди у. Бироқ Яқин Шарқ юзасидан халқаро конференция чақириш тўғрисидаги ғояни Исроил билан Қўшма Штатлар совуқ қарши олди, деб уқтирди БМТ Бош секретари.

Яқин Шарқ проблемаси жаҳонда кескинлик янада авж олаётган шароитда ғоят жиддий ва хатарли бўлиб турибди, деб давом этди Х. Х. Перес де Куэльяр. Бизлар ушбу проблемани ҳал этиш борасидаги ишларни давом эттириб, бу жараёнда барча манфаатдор томонлар иштирок қилишига интилаверамиз.

### ЛОНДОН: ЖАР ЭКОНОМИКАСИДАГИ ЧУҚУР ТАНГЛИК

**Ирқчи Жанубий Африка Республикасининг экономикаси сўнгги 50 йилдан кўпроқ вақт ичида энг чуқур тангликни бошидан кечирмоқда, деб ёзади бу ерда нашр этиладиган «Экономист» журнали.** 1983 йилда апартеид давлатининг ялпи миллий маҳсулоти уч процент қисқарди. 1984 йилнинг дастлабки олти ойи ичида тўлов баланси камомати сал кам бир миллиард рандни ташкил этди. Миллий пул бирлигининг қадри жуда тез пасайиб кетмоқда. Ҳозирги вақтда бир ранд Америка долларининг салкам 60 центи даражасига тушиб қолди.

(ТАСС).

## ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖ ТОПМОҚДА

БУХАРЕСТ. Республика энергетикаси муваффақиятли ривожланмоқда. Руминиядаги социалистик қурилиш йилларида 4.000 мегаваттдан ортиқ қувватга эга бўлган 70 та гидроэлектр станция қурилди. Бу — республика гидроэнергетика потенциалининг 31 процентини ташкил қилади. Уни ўзлаштиришга 1949 йилда, мамлакатни электрлаштириш ўн йиллик плани қабул этилган вақтнинг ўзида киришилган эди. 210 мегаватт қувватга эга бўлган, Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилган ва В. И. Ленин номи билан аталган Биказ ГРЭСи Руминияда пайдо бўлган биринчи катта станция эди. Бундан кейин ўнлаб бошқа станциялар жумладан, Дунай бўйидаги Ардеш, Лотру, «Темир дарвоза-1» гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Бу нурхоналарни қуришда 62 та тўғон барпо этилди, 380 километр туннел ўтказилди, 5,76 миллиард куб метр ҳажмда сув омборлари қурилди. Мамлакатнинг гидро энергетика потенциалини ўзлаштириш давом этмоқда.

(ТАСС).

ОЛИМПИАДА — 84

## БУ ҚАНАҚА СПОРТ БАЙРАМИ

**● Ёзги Олимпиада ўйинлари иштирокчиларида ҳақиқатан ҳам ана шундай савол туғилиши табиийдир. Чунки, мунтазам машғулотлар ўтказиш учун етарли шароит йўқ. Ҳар куни бўлаётган турли-туман ҳодисалар эса, спортчилар кайфиятига таъсир кўрсатмоқда. Олимпиада ўйинлари АҚШда сайловолди курашига хос мусиқада тўла равишда ўтказилаётганлиги маълум бўлмоқда.**

### ҚУРУҚ БЎҲТОНЛАР

● Олимпиада ўйинлари программасига мувофиқ ҳозирча 35 тур мусобақалари бўлиб ўтди. Америкаликлар бу мусобақаларда 18 та юксак мукофотни қўлга киритишди. Бу муваффақиятлар маҳаллий матбуот саҳифаларида ниҳоятда бўрттириб кўрсатиляпти.

Айни вақтда Советларга қарши кампания давом этаётир. Бундай қуруқ бўҳтонлар Оқ уй маъмурияти томонидан маъқулланган. Бош матбуот марказида ҳанузгача Советларга қарши ёзилган бўҳтонлар билан тўлиб-тошган қоғозларни учратиш мумкин. Совет спортчиларининг ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишмаётганликларининг асосий сабаблари бўяб кўрсатиляпти. «Заҳарли эшиттиришлар» радио эфирларида ҳам содир бўлаётир.

### ЮЛДУЗЛАР ОЛИМПИАДА ШАҲАРЧАСИДАН КЕТИШМОҚДА

● Енгил атлетика бўйича Америка Қўшма Штатлари олимпиада командасининг тренери Ларри Эллис ўз спортчиларини ёқлаб гапирди. Франс-Пресс агентлигининг хабарига кўра, америкалик спортчилар Олимпиада шаҳарчасида яшашдан бош тортишган.

Алберто Саласар марафон мусобақасида жаҳон рекордчиси ҳисобланади. У Олимпиада шаҳарчасига келолмади. Чунки, бу шаҳарча Лос-Анжелеснинг газ чиқиндилари билан тўлиб-тошган районлардан бирида жойлашган. Спортчи ўзи учун махсус жой танлади, бу ерда машғулотлар ўтказмоқда.

### ҒОЛИБЛАР САФИДА

● Мусобақанинг тўртинчи кунида Европа қитъаси вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. Италия спортчилари учта олтин медални қўлга киритишди. 1982 йилги жаҳон биринчилиги чемпиони италиялик Г. Масала беш курашчилар мусобақасида ғолиб келди. У айни чоғда команда биринчилигида ҳам олтин медални олди. Д. Масала СССР халқлари Спартакиадасининг совриндори эканлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

### АМЕРИКА—ХИТОЙ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

ВАШИНГТОН, 2 август. (ТАСС). Ахборот агентликлари Пекинда аэрокосмик саноат соҳасида Америка — Хитой ҳамкорлиги программаси имзоланганлигини хабар қилди.

Агентликларнинг қайд этишича, Пекиндагилар пассажир самолётлари, вертолётлар, навигация ва аэродром асбоб-ускуналари харид қилишда ёки уларни Америка кампаниялари билан биргаликда ишлаб чиқаришга иштиёқмандаликларини билдирдилар.



Фотоайбнома

## ПОЛИЦИЯ КОНЧИЛАРГА ҚАРШИ

Англияда инглиз кончиларининг умуммиллий забастовкаси беш ойдан буён давом этмоқда. Консерваторлар кабинети бу стачкани бостиришга кучли полиция аппаратини ташлаб, салкам ўн минг «тартиб посбонини» сафарбар қилди. Шимолий Англиядаги кўпгина шахталар полициячиларнинг қуршовига олинган. Улар кончиларнинг пикетини барбод қилишга зўр бериб уринмоқда. Кончилар пикети билан полиция отрядлари ўртасида рўй бераётган шиддатли тўқнашувлар ҳақидаги хабарлар кончилар районларидан кун сайин олинмоқда. Сиз кўриб турган ЮПИ—ТАСС телефотосида Донкастердаги шундай тўқнашувлардан бири акс этган. Кончиларга қарши «тинчлантириш» операциясини ўтказаётган полиция таёқлар ва кучни ишга солмоқда. Англиядаги социал-демократик партиянинг раҳбари Д. Оуэн таъкидлаганидек, «полициянинг хатти-ҳаракати инглизларнинг граждандлик ҳуқуқларига қўпол тажовуздир».

Бироқ ҳозирги меҳнат низоси бошлангандан буён орадан ўтган 5 ой ҳукумат кончиларнинг иродасини асло бука олмаслигини яққол кўрсатди. Бутун мамлакат бўйлаб иш ташлаган кончилар кураши билан қудратли бирдамлик кампанияси кенг қулоч ёйди. Кончиларнинг миллий касаба союзи забастовка фондига бошқа касаба союзлардан, жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслардан пул тушмоқда. Кўпгина районларда тузилган «бирдамлик комитетлари» кончиларнинг оилаларига маблағ ва озиқ-овқат тўпламоқда. Бу эса иш ташлаган кончиларнинг пировард ғалабага бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Кончилар миллий касаба союзи раиси А. Скаргилл телевидение программаларидан бирига берган интервьюсида «биз ўз талабларимиз тўлиқ қондирилмагунча курашни давом эттираверамиз» деб айтди.

## ҲАР ТЎҒРИДА

**✦ Америкалик олимларнинг тадқиқотига қараганда, инсон ҳар куни ўрта ҳисобда бир соатга яқин гапирар экан. Шунга кўра, ҳар бир одам умри давомида 2,5 йилча сўзлайди, дейиш мумкин. Агар бу сўзлар қоғозга кўчирилса борми, ҳар бири 400 босма қоғозга тўғри келадиган 1000 жилдлик китоб чиқарди.**

**✦ Англияда 9 февраль — махсус кун ҳисобланади. Бу кунни чекишга қарши кураш куни, деб эълон қилишган. Британиянинг Чекмовчилар миллий жамияти шу куни бутун мамлакат аҳолисини чекмасликка даъват қилади. Шуни таъкидлаш кераки, охирги ўн йил ичида Англияда чекувчилар сони етти процентга қисқарган.**

**✦ Американинг Беркли шаҳар университетларидан бирида шундай бир қарорга келинди. Инсоннинг эслаб қолиш қобилияти асосан ётган ҳолатда зўраяр экан. Бунга сабаб — мия томирларига кўпроқ қон қуйилишидир. Шунинг учун бирор-бир нарсани эслаб қолмоқчи бўлсангиз, тезда горизонтал ҳолатга келиб, ухлаб қолмасликка ҳаракат қилиш маъқул экан.**

